



ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ СОҶАЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатлар, одамлар узвий боғланган. Дунёнинг исталган ўлкаси бир кадамдек гап. Шу боис, туризм энг катта соҳалардан бирига айланган. Мутахассислар туризмни "тугамайдиган нефть" деб ҳам аташади. Айрим мамлакатлар иқтисодиди тўлаллигича сайёҳлик индустриясига қўрилган.

Таҳлилларга кўра, одамлар самолётда учиб вақти 5 соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп саяҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофада 60 га яқин давлат, 3 миллиард аҳоли бор. Бу улкан туризм бозори дегани.

Аммо узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади. Қўлай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитлар бўлмагани сабабли ҳамма ўз ҳолида фаолият юритар эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ сайёҳлик мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида белгиланди. Бир қатор мамлакатлар фуқароларига юртимизда 30 кунгача визасиз бўлишга рухсат берилди. Яна кўллари виза бериш тартиби соддалаштирилди.

Президентимиз биринчи босқичда "яшил" худудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тогли жойлар ва кўл бўйларига энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимлар билан биргаликда кўча дам олиш масканлари дислокацияси тасдиқланиб, электрон порталга жойлаштирилди.

Иккинчи босқичда коронавирус касаллиги жоловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

2017 йилда Ўзбекистонга қарийб 2 миллион 700 минг сайёҳ ташир буюрган бўлса, 2019 йили бу кўрсаткич 6,7 миллионга етди. Ўзбекистон ўндан ортқ нуфузли халқро наярларда энг жозибали туристик маскан сифатида эътироф этилди. "Шарқ тароналари" ва хунармандчилик фестиваллари, бахшичилик ва мақом санъати анжуманлари каби халқро тадбирлар орқали ҳам мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш мақсад қилинган.

Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарари яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис, Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади.

Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарари яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис, Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади.

Коронавирус пандемияси туризм соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил янвурлари бўйича халқро саяҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши кўтилмоқда.

Хусусан, туристик йўғимлардан озод қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилди. Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солиғини ҳисоблашда 2020-2021 йилдаги кўрган зарарларини кейинги йиллар фойдасидан чеғириб ташлашга рухсат берилди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги тармоқ раҳбарлари билан бирга самарасиз ишлаётган 711 та корхонани тугатиш, 262 та корхонани қайта ташкил этиш, шунингдек, 500 дан зиёд бозорларни хусусийлаштириш бўйича топширёқ берилди. Давлат ихтиёрида сақлаб қолинадиган корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш бўйича янги тизим жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортқ тўроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Мамлакатимизнинг маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмунинда маданият ва санъат ривожини учун кенг имкониятлар яратиш, соҳа аҳлининг меҳнатини қадрлаш, маданият ва санъат муассасалари шароитларини яхшилаш орқали халқимизнинг маданият ва санъатдан баҳрамандлигини ошириш мақсади муважжам.

Мамлакатимизнинг маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмунинда маданият ва санъат ривожини учун кенг имкониятлар яратиш, соҳа аҳлининг меҳнатини қадрлаш, маданият ва санъат муассасалари шароитларини яхшилаш орқали халқимизнинг маданият ва санъатдан баҳрамандлигини ошириш мақсади муважжам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҶАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятнинг янада ривожлантириши, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданият маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

ичинчидан, музейлар реновация дастури қабул қилинди, Ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган "Хоразм лағзиси" ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди;

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятнинг янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) ва уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди;

Тўртинчидан, маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш бўйича миллий мактаб, шунингдек, халқ оғзулари, миллий рақс, мақом йўналишларида республика кўрик-танловлари қайта тикланди;

Иккинчидан, маданият ва санъат ташкилотларининг "дўстлар клублари" фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мутлақо янги самарали тизим яратилди;

Аҳоли, айниқса, олис худудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, бунинг учун республиканинг барча худудларида театр, музей, кўча цирк ва ҳайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-6000-сон Фармони ҳамда:

қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Музейлар тўғрисида", "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларда Маданият вазирлиги зиммасига юклатилган вазифа, функция ҳамда ваколатлар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилди;

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда - Маданият вазирлиги) фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

"Ахборот ва компьютер технологиялари маркази" давлат муассасаси "Еш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мултимедиа маркази" давлат муассасаси этиб қайта номлансин;

3. Маданият вазирлиги 2020 йил охирига қадар Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган моддий маданий мероснинг барча кўчма мулк объектларини тегишли ҳудудий маданият бошқармалари ва музей-кўриқхоналарга оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказилишини таъминласин. Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари жойлаштирилган бинолар бундан мустасно.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда - Департамент) ва унинг барча ҳудудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс маконига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда бадий экспертиза бўлимлари ташкил этилсин;

Моддий маданий мерос объектларига эгалик қилувчи ва улардан фойдаланувчи давлат органлари ва бошқа юридик шахслар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар зиммасига моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш" давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент ҳузуридаги "Мерос чашмаси" давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга ҳўжалик юритиш, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;

4. Белгилаб қўйилсинки: Департамент ва унинг тегишли ҳудудий бошқармалари тегишинча тугатилаётган Бадий экспертиза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш" давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент ҳузуридаги "Мерос чашмаси" давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга ҳўжалик юритиш, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидagi Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимлари бошлиқлари ўз лавозимига кўра тегишинча Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосари ҳисобланади;

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштирилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматининг номи Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси этиб қайта номлансин;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидagi Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

"Тулистон", "Театр" ва "Мозийан садо" журналлари тахририятлари ягона тахририятга бириктирилсин.

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибидagi Бадий экспертиза бошқармаси ва бадий экспертиза бўлимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади;

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикасининг "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида", "Маданий мерос объектларини муҳофаза

маданий бойликларни бадий экспертизадан ўтказганлик учун махсус йўғимлар Департаментнинг Маданий мерос жағғармасига йўналтирилади.

Муносабат

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЯНГИ ВА ТАРИХИЙ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмунинда маданият ва санъат ривожини учун кенг имкониятлар яратиш, соҳа аҳлининг меҳнатини қадрлаш, маданият ва санъат муассасалари шароитларини яхшилаш орқали халқимизнинг маданият ва санъатдан баҳрамандлигини ошириш мақсади муважжам.



Давоми 3-бетда

Эътибор ва рағбат

ФАҚАТ СОҶЛОМ МИЛЛАТГИНА БҮЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Янги давлат мукофотлари халқимиз саломатлиги йўлида курашаётганлар учун муносиб рағбат бўлади

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида мутасаддиларга аҳолининг саломатлигини яхшилаш, соғлом овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан воз кечиш, ортқча вазндан ҳалос бўлиш кўрсаткичлари асосида нафақат мутахассислар, балки оддий фуқаролар учун ҳам манфаатли бўлган моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш топшириғини берган эди.



Давоми 4-бетда

Давоми 2-бетда

Давоми 2-бетда

Муносабат

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЯНГИ ВА ТАРИХИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Бошланиши 1-бетда

Белгиланган вазибалар салмоғи жуда кенг ва муҳим. Шу боис, ушбу ҳужжатлар маданий ҳаётимиздаги катта воқеа сифатида келгусида маданият ва санъатнинг халқимиз кундалик турмушидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Маданият соҳаси бир-бирини тақорламайдиган қатор ижодий йўналишлари ўз ичига олган кенг қамровли тизим. Фармонда ҳар бир йўналиш, соҳа манфаатлари ўз аксини топган. Энг катта янгиликлардан бири сифатида санъаткорларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларининг яқинлаштирилиши янги тизимий эътиборнинг қайд этиш зарур. Яъни эндиликда юртимизда санъаткорлар,

ижодкорлар ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилмоқда ва унга бир қатор ваколат ва имтиёзлар берилмоқда. Мазкур палата, биринчи навбатда, ижодкорлар меҳнатининг ҳимоясини таъминлайди. Иккинчиси, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ерда ҳужжат билан умумбоқий санъат асарлари яратилишига замин ҳозирланди. Учинчиси, юксак даражадаги ҳар бир санъат асари ижодкор учун умрининг охиригача даромад олиб келувчи ҳазина бўлиб қолади. Шу билан бирга, айнан ушбу палата орқали плагиат қўшиқлар юзага келишининг олди олинади. Санъаткорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасининг жорий қилиниши ҳам

бизга кўрсатилган катта бир ғамхўрлик намунаси бўлди. Биласизми, агар бирор муаллиф ўз меҳнати учун кўнгли тўладиган даражада ҳақ олса, унинг ҳақ-хуқуқи ҳимоя қилинса, уйлайманки, муаллифлар орасида янада ўсиб кузатилади. Уларнинг ижоди бундан-да гуллаб-яшнайдиган, янги гоғлар устида изланади. Энг муҳими, туну кун машаққат чекадиган ижод аҳли меҳнатимга яраша ҳақ оламан-ку, деган ишонч ва умид билан асар яратаяди.

Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб йил давомида республика,

вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган давлат тадбирларининг календарь режаларини тасдиқлаш амалиёти жорий этилмоқда.

Бунинг қўлайлиги шундан иборатки, ижодкорлар йил давомида қайси тадбирлар борлиги ҳақида олдиндан огоҳлантирилади. Санъаткорлар ҳам шунга қараб иш режаларини белгилаб олади. Агар режадан ташқари тадбирлар давлат органлари ташаббуслари билан ташкил этиладиган бўлса, бунинг учун шартнома асосида ҳақ тўлаб бориш йўлга қўйилади.



Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари:

этироф этиш жоизки, туб ислоҳотлар даврида миллат етакчилигининг ў ёки бу соҳага эътибор қаратиши айни шу соҳадаги мавжуд имкониятлардан, тизим мутасаддиларининг эса халқнинг улкан салоҳиятидан самарали фойдалана олмаётганини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониини жамоатчилик эътиборини ушбу соҳа муаммоларига қаратишга йўналтирувчи тарихий ҳужжат, дея қабул қилиш мумкин.

Ҳар қандай жамият ҳаётида ривожланиш маданий ва миллий қадриятларга таянмаса ёхуд халқ, миллат ўзининг ким эканини англашга етарли даражада эришмаган бўлса, бундай ривожланиш ҳоқ иқтисодий, ҳоқ ижтимоий соҳада бўлсин, самарали натижалар бермайди.

Хусусан, кўпгина давлатларнинг бошқа миллат ва маданиятлар "паноҳи"да ривожланиш йўлидаги уринишлари қандай натижа берганига ҳам тарих истаганча ғувоҳлик бера олади.

Айнан ана шу нуқтаи назардан,

халқимиз маданияти ва санъатини тиклаш, унинг бугунги ҳолатини эмас, пойдеворини бутунлай янгилаш жонажон юртимизни ривожлантириш мақсадининг ажралмас бўлаги экани бежиз таъкидланмапти.

Бошқача айтганда, маданият ва санъат соҳасида бошланаётган янгиликлар туб ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Маданиятимиз, миллий қадрият ва маънавиятимизни асраб-авайлаш, уларнинг умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар билан ҳамоҳанг эканини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишининг аҳамияти катта. Мазкур фармон эса миллий қадриятларимиздан дунёвий ривожланишни ажралмас қисми сифатида фойдаланиш каби эзгу мақсадимизга эришимиз учун бизга жуда кенг имкониятлар яратаяди.

Қабул қилинган фармон тағзаминида халқимиз, айниқса, янги авлоднинг қадриятларимизга қинлаштириш ва тарбиялаш мақсади мужассам эканини таъкидлаш жоиз.

Энг янги тарихимизда дунёнинг қўлаб давлатларида ёшлар онига ёт гоғларни синдириш, жамиятларни

гоясизлантириш тадбирларига жуда катта эътибор қаратилганини кўрдик. Бунда асосий эътибор ёшларни миллий қадриятларидан узоқлаштириш, уларни ҳаддан ташқари енгил фикрлашга ўргатишга қаратилди. Минг афсуски, бу жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бугунга келиб, айрим ёшларимизнинг бошқа маданиятлар ва қадриятларни улуглаётганига ғувоҳ бўляпмиз. Аммо бу келажак учун инқироз кўнгириги чалинаётганини англаштириш тушунмаслик мумкин эмас.

Шу ўринда Ўзбекистонимизнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлиши, бу йўлда барқарор ривожланиши бекиёс маданият ва қадриятларимизни қанчалар чуқур англаш оладиган жамиятнинг шаклланишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Янги Ўзбекистон тарихида юз бераётган ўзгаришлар жамиятни фақатгина иқтисодий жиҳатдан юксалтириб бўлмаслигини, барча соҳа ва тизимлар баробар ривожлантирилган тақдирдагина белгилаб олинган мақсадларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Мазкур фармон миллионлаб юртдошларимиз, айниқса, ушбу соҳа вакиллари томонидан қадриятларимизни, боқий анъаналаримизни қайта тиклашга қаратилган тарихий ҳужжат, дея эътироф этилмоқда.

Гавхар ЗОКИРОВА, Ўзбекистон халқ артисти:



— Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ маданият ва санъат соҳасида ўтказиш кўзда тутилган қатор ислоҳотлар доирасида Маданият вазириликнинг маданий аппарати тузилмасида маданият муассасалари ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва рақамлаштириш масалаларига маъсۇл вазир ўринбосари лавозими жорий этилиши соҳанинг янги босқичда ривожланишига кенг йўл очиб беради. Қўлаб профессионал санъат турларининг дояси бўлган ҳаваскорлик санъатига эътиборни юксалтириш жамиятимиз маданий салоҳиятини юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари буйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институти ташкил этилиши Ўзбекистон санъатида муҳим бурилиш саналади. Миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг абадиётга дахлдор музика асарлари ижрочилари, тадқиқотчиларини тарбия қилиш борасида бу қадам айни заруратдир.

Тарихий обидалар, зиёратгоҳларнинг халқимиз ҳаётида қанчалик аҳамиятли экани барчамизга маълум. Давлат муассасаси шаклидаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши буюк аجدдоларимиздан мерос бекиёс бойликларни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш, унинг нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Маданият ва санъат соҳасида таълимга эътибор кучайтирилиши, ёш истеъдодлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи этиб

қайта ташкил этилиши юқоридаги сўзларимизнинг яққол исботидир.

Шунингдек, 5 апрель санасининг "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кўни" деб эълон қилиниши соҳа вакилларини янада руҳлантиради. Маданият ва санъат вакиллари ушбу санани касб байрами сифатида нишонлаши келгусида яна ҳам жонқуярлик, фидойилик билан ижод қилишларида, фаолият юритишларида катта куч беради.

Президентимизнинг фармонларини ўқиб, худаям хурсанд бўлдим. Айниқса, биз, ижод аҳли жуда катта имкониятлар яратилди. Шу ўринда очигини айтишим керак, бизда маркетинг ва реклама тизимини янада ривожлантириш учун алоҳида маблаг ажратилади. Телевидение, радио тўлкинларида театр афишаларини ёритиш учун муайян вақт берилиши театрнинг янада юксалиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшади. Бугунги кунда республикамизда 38 та театр фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ҳар бири энди ўз спектакль ва афишаларини ўзига ажратилган вақтда эълон қилиш имконига эга бўлади.

Театрни янада оммалаштириш, айниқса, ёшларимизни кўпроқ жалб қилиш, фақат театр биносида эмас, вилоятларга ҳам гастроль сафарларига чиқиб, халқ ичига янги спектакллар билан кириб бориш бизнинг асосий вазифамиз.

Камола ОҚИЛОВА, Маданият вазири ўринбосари:



— Дунёда барча халқларнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритилган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий меросини асрдан-асрга етказувчи кўприк — музейдир. Бугун жамият ҳаётида, фан ва маданият билан танишувада, шунингдек, маънавий юксалишда музейларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони музейлар соҳасида янги шароитлар яратилишига асос бўлди.

2020 йил сентябрь ойидан бошлаб давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи ақшанбаси "очик эшиклар кўни" деб эълон қилинди.

Мазкур кунларда музей ашёлари ва коллекцияларини кириб кўриш текин бўлади. Бу аҳолининг музейларимиз билан танишуви, уларни ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишга кўмак беради.

Шунингдек, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 2020-2025 йиллар давомида босқичма-босқич ҳар бир туман ва шаҳарда тарих ва маданият давлат музейларининг филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган музейлар, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхатига киритилиши орқали музейлар сонини ошириб, ҳар бир ҳудуд аҳолисининг маданий эҳтиёжлари қондирилишига замин яратаяди.

Музейларимизда бошқарув жараёнини такомиллаштириш буйича белгиланган вазибалар айни муддао бўлди. Яъни Ўзбекистон давлат санъат музейига санъат соҳасидаги, Ўзбекистон тарихи давлат музейига маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўза-ро ҳамкорлигини таъминлаш,

кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси юкланди. Маданият вазирилик ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, маданиятшунослик йўналишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган илмий ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш чораларини кўриш белгиланди.

Маданият ва санъат ташкилотларининг "дўстлар клублари" фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш буйича мутлақо янги чизилган самарали тизим яратилди. Эндиликда мазкур клублар музейлар соҳасига татбиқ этилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Умуман, сўнги йилларда соҳада жорий этилган инновацион янгиликларнинг музейлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Маданият ва санъат ривожига, ижод аҳлига, шу қаторда музейлар фаолиятига кўрсатилган юксак эътибор натижасида маданиятимиз янада раванқ топади, албатта.



Ханим Йўлдошев олган сурат.



Мавлуда АСҚАРҲЎЖАЕВА, Маданият вазирилик Ахборот хизмати раҳбари:

— Фармонда маданият ва санъат соҳасини тубдан такомиллаштириш учун белгиланган вазибалар қаторида бу соҳанинг ривожига жамият маданий ҳаётининг тараққиқ олишига хизмат қилиши лозимлиги мақсад қилинган. Бунда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, кенг жамоатчилиқни маданият масканларига изчил жалб қилиш, аҳолига хизмат кўрсатишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, фаолиятда замонавий технологиялардан кенг қамровда фойдаланишга қаратилган эътибор нафақат аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, балки ушбу соҳа вакиллари ҳам сифатли хизмат кўрсатиши, касбий фаолиятида ўзини тўлақонли намоён этишига олиб келади.

Ҳозир мамлакатимизда 4748 та археология ёдгорлиги, 2250 та архитектура ёдгорлиги, 678 та монументал санъат ёдгорлиги, 532 та диққатга сазовор жой, жами 8208 та объект моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Уларни



муҳофаза қилиш гоғат муҳим масала экани инобатта олиниб, ҳужжатда Маданий мерос департаменти фаолиятини мутлақо янги принциплар асосида ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур департамент ваколатлари аниқ белгилаб, фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳал этилди. Шу билан бирга, маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни олиб боришда илмий тадқиқотларга таяниш муҳимлигини инобатта олиниб, Маданият вазирилик ҳузурида Маданий

мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этиладиган бўлди. Ҳужжатда мувофиқ, Маданият вазирилик фаолияти тузилмаси такомиллаштирилмоқда. Унинг зиммасига аниқ вазибалар юкланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини 2025 йилга қадар амалга оширишнинг мақсади кўрсаткичлари тасдиқланди. Маданият ва санъат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Шунингдек, фармон асосида ёш истеъдодларни излаб топиш, ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш тизими яратилиши келажакимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ўз иқтидорини намоён этишига, жамиятда етуқ мутахассис сифатида фаолият юритишига хизмат қилади. Зеро, қомил шахсни тарбиялашда санъатнинг аҳамияти бекиёсдир. Маданият ва санъат таълими соҳасида кўзда тутилган қатор ислоҳотлар сўзимизнинг исботидир.

Инсоният тарихининг маълумки, театр бутун бир жамиятни тарбияловчи сифатида ўзига хос аҳамият касб этиб келган. Бугунги кунда театрлар миллат тарбиясига деган нуфузини тиклаши учун фармонда қатор вазибалар белгиланган. Кўнгилчак театри мавжуд

бўлмаган вилоятларда уларни ташкил этиш таклифи ҳам аҳамиятлидир. Бола қалбда кичик ёшдан оқ халоллик, ростгўйлик, ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат каби инсоний фазилатларни камол топтирувчи масканлардан бири айнан кўнгилчак театридир. Болалигидан санъатга ошно бўлиб улғайган ҳар бир инсон маънавиятли шахс сифатида шаклланади. Театрлар чин маънода маънавият, маданият масканларидир.

Шунингдек, фармонда кўмак цирк ва ҳайвонот боғларини ташкил этиш, маданий марказлари, музика ва санъат мактаблари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, чекка-чекка ҳудудлар аҳолисининг маданий салоҳиятини юксалтиришга кенг йўл очиб бериши билан муҳим саналади.

Маданият вазирилик фаолияти, тузилмасининг такомиллаштирилиши, унинг зиммасига аниқ вазибалар юклатилиши маданият ва санъат соҳасида туб ислоҳотларнинг муқаддимаси, десак янглиш бўлмайди. Зеро, ҳар бир соҳани ислоҳ қилишда унинг бошидан қўйи тизимига эътибор қаратиш энг самарали йўлдир.

Эътибор ва рағбат

ФАҚАТ СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Янги давлат мукофотлари халқимиз саломатлиги йўлида курашаётганлар учун муносиб рағбат бўлади

Барно ОДИЛОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори

соғлом овқатланишни оилавий маданият, миллий қадрият даражасига кўтариш, жисмоний фаолликни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш вазифалари муҳимдир.

Мазкур мукофотларни таъсис этиш тақлифини тайёрлаш жараёнида жаҳон тажрибаси ўрганилганда, одатда юксак давлат мукофотлари тиббиёт соҳасида бирор касалликни ташхислаш, даволаш, реабилитация қилишда муайян ютуқларга эришган мутахассислар, худди шундай нуфузли спорт мусобақалари ғолиблари ва уларни етиштирган устоз-мураббийларга тақдим этилишига ғувоҳ бўлдим.

"Саломатлик" орденининг таъсис этилиши "Фақат соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" ғоясининг ёрқин исботи бўлди. Хозирданок халқимиз орасида мазкур юксак давлат мукофотига муносиб касб эгалари, эл саломатлиги учун жонқур, фидойи инсонлар кўплигига ишонаман. Мазкур орден ва медаль бугун халқимиз саломатлиги учун курашаётган, шунингдек, синовли кунларда инсоний фазилатларини намоён этган аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унинг негизи сифатида

олган оддий фуқаролар бўлиши мумкин.

Мазкур мукофотларнинг таъсис этилиши бугунги кунда аҳолининг 85 фоиз мурожаат ва муаммоларини ҳал қиладиган, фарзанд туғилгандан бошлаб уни вояга етказишгача ҳар бир қадамда ҳамроҳ, кекса ёшдаги фуқаролар ва ногиронларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда тиклашда энг биринчи маслаҳатчи, оиланинг тўлақонли аъзоси бўлган, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда энг фаол иштирокчи саналган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узоқ кутган орзуси ва уларнинг заҳматли меҳнатининг муносиб баҳоланиши, деб ҳисоблайман.

Зеро, кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларининг зиммасида, биринчи навбатда, касалликлар профилактикаси, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унинг негизи сифатида

Таълим

Янги ва ноёб йўналишларда мутахассислар тайёрланади

Ҳақимжон ХУШВАҚТОВ,
Самарқанд давлат университети проректори,
Тошпўлат РАЖАБОВ,
Халқаро таълим дастурлари факультети декани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 10 апрелдаги "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида амалга ошириладиган изчил ислохотларни янада яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу кунларда тиббий-санитария соҳасини такомиллаштириш, халқ таъбиотини ривожлантириш ва доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалаларга қаратилган қарорларнинг тезкорлик билан қабул қилиниши бежизга эмас. Зеро, бу стратегик қарорлар миллитимизнинг бугунги ва келажакдаги саломатлигини мустаҳкамлашга асосдир.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратайлик, коронавирус баъосидан сақланиш ёки ундан тезроқ қутулишнинг энг асосий омилларидан бири сифатида инсон иммунитетининг мустаҳкамлигига алоҳида аҳамият қаратилади. Кимёвий дори воситаларидан эмас, балки доривор گیёҳлардан мунтазам фойдаланиш инсон саломатлигига бекиёс наф келтиришини исботлашга ҳоҷат йўқ.

Мамлакатимиз табиати айнан шундай шифобахш ўсимликларга жуда бой. Энг муҳими, халқимиз доривор گیёҳлардан фойдаланиш бўйича жуда катта тарихий тажрибига эга. Жаҳонда тиббиёт сўлтони деб эътироф этилган бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бу борада ноёб мерос қолдирган. Бу каби тарихий ва табиий меросдан бугунги ва келажак авлодининг унумли фойдаланиши, миллитимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиши ва ҳар қандай қўтирмаган касалликларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш қабул қилинган қарорларнинг пировард мақсади.

Республикамиздаги табиий ҳудудлар ҳам озиқ-овқат захирасини янада мустаҳкамлашда бевосита хизмат қилади. Мамлакатимиз умумий майдонининг қарийб 50 фоизини эгаллаган яйловлар чорвачилик учун табиий, арзон ҳамда сурғиш талаб этмайдиган ем-хашак етиштириш учун катта имкониятга эга. Қолаверса, мазкур яйловларда бугунги кунда аҳоли саломатлиги учун муҳим саналган шифобахш ўсимликлар ва گیёҳлар ўсади. Ушбу улкан ҳудудлардаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, авваламбор, тоза экологик муҳитни шакллантиришга, қолаверса, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлашга ҳам ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшади.

Самарқанд давлат университетида сўнгги йилларда иқтисодий таълим учун зарур ва иштиробли бўлган янги таълим йўналишлари ва

мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, университетда "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси" йўналиши ташкил этилиб, сўнгги 3 йилда унга 80 нафардан ортик талаба қабул қилинди. Бу талабаларнинг билимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида "Абу Али ибн Сино мероси" илмий маркази ташкил этилди. Ҳиндистоннинг Деҳли университети етакчи олимлари билан биргаликда доривор ўсимликлар биотехнологияси йўналишида илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, АҚШнинг Юта ва Невада университетлари билан ҳамкорликда "Яйлов экологияси" магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурлари доирасида кадрлар тайёрлаш тизимига асос солинди. Булар баробарида, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган "Табиий ресурслар экологияси" факультетини ташкил этиш бўйича ҳукуматта тақлиф киритилди. Бугунги кунда университет жамоаси давлатимиз тараққиёти йўлида зарур бўлган янги ва ноёб йўналишларда етуқ мутахассислар тайёрлаш ишларини янада жадал давом эттириш мақсадида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда кузатилаётган пандемия ва глобал инкироз бутун дунё аҳолисини саросимага соляпти. XXI аср кишилик жамияти бундай мураккаб даврни илқ бор бошидан ўтказмоқда. Хозирги синовли вазият жаҳон халқларини янгича қирқашга, идрок этишга ва келажак устида бош қотиришга ундаётгани ҳам бор гап. Бу синовдан кейин дунё қиёфаси ва мақсадларининг ўзгариши, инсоният қадриятлари ва тафаккурининг янгилаши кўтиляпти.

Аҳоли соғлигини сақлаш ва озиқ-овқат билан таъминлаш инсон ҳаёти учун бирламчи масала эканига бунун ҳамжамият иқдор бўлди. Айнан мана шу икки муҳим масалани ҳукуматимиз жуда пухта ўйлаган ҳолда зарур қарорларни қабул қилляпти ҳамда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугун ҳар бир инсон ўзига бўлган муносибатини, тартиб-интизом ва талабни ўзгартириши шарт. Ана шундангина юксак маънавийатли миллат эканимизни жаҳонга намоён этиб, бу оғир синовларни вазимлик ва ҳамжиҳатлик билан енгиб ўташимиз.

Имтиёз

ҚАРИЙБ УЧ ТРИЛЛИОН СЎМ

аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга сарфланади

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Сўнгги йилларда республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодий ётнинг жадал ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили ҳўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш билан бир қаторда Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўлов миқдорлари ҳам бекор қилинганди. 2019 йилгача фуқароларнинг ойлик даромадидан ушлаб қолнадиган сажжиз фоз миқдордаги сўғурта бадалли фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тўридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинган.

— Шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг тушумидан ундириладиган мажбурий ажратмалар, хусусий корхоналар, устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахсларга ағона иқтисодий тўлов (иқтисодий солиқ) ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди, — дейди Молия вазирлиги

хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси сектор бошлиғи Аббор Холматов. — Мазкур берилган энгилликлар натижасида биргина 2019 йилда Пенсия жамғармасига келиб тушиши лозим бўлган ўрта ҳисобда 9,5 трлн. сўмлик маблағлар ишловчи фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотлар тасарруфида қолдирилди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сийсати жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, 2019 йилда берилган имтиёз ва энгилликлар сақлаб қолинган ҳолда 2020 йил бошидан устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортик бўлган юридик шахсларга ҳам иқтисодий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Жорий йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар яқка тартибдаги тадбиркорлар учун



иқтисодий солиқ тўлови 50 фоизга, 1 апрелдан 31 декабргача туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасидаги меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи субъектларга иқтисодий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга, 1 майдан 1 июлгача фермер ва кичик бизнес ташкилотларига иқтисодий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилди.

Мазкур имтиёзлар авазига 2020 йилда Пенсия жамғармасига келиб тушиши лозим бўлган ўрта ҳисобдаги 2,9 трлн. сўмлик маблағлар тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона ва ташкилотлар тасарруфида қолдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини раислигида 26 май кунини ИНВЕСТИЦИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

2020 йилги Инвестиция дастурига 3 мингдан ортик лойиҳа киритилган бўлиб, уларни амалга ошириш учун 235 триллион сўмлик инвестициялар, жумладан, 7 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ўзлаштирилиши белгиланган.



Маълумки, жорий йилги вазиятни инобатга олиб, кечиктириш мумкин бўлган қурилишлар учун ажратилган 450 миллиард сўм Инвестиция дастуридан чиқарилган эди. Бу маблағнинг 150 миллиард сўми 40 минг гектар ерни ўзлаштириб, 80 мингта доимий иш ўрни яратишга йўналтирилди.



Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳам атрофлича таҳлил қилинди.



26 май кунини Олмалик кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, металлургия комплекслари ва 2 та мис бойитиш фабрикаси барпо этиш орқали мис ва олтин ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар оширилиб, мис ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 400 минг тонна, олтин 50 тонна ва кумуш 270 тоннагача етказилади.

Йиғилишда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари бюджетдан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини яна бир кўриб чиқиб, харажатларини оптималлаштириши зарурлиги таъкидланди.



Жорий йилда ўзлаштирилаётган бундай сармояларнинг 34 фоизи нефть-газ, энергетика, тоғ-кон ва металлургия тармоқлари ҳамда 52 фоизи ҳудудий лойиҳаларга тегишли. Шу билан бирга, электротехника, кимё ва озиқ-овқат саноатида бу каби инвестицияларни бир неча баробар ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари кредитлари ҳисобига амалга ошириладиган 98 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш даражаси танқид қилинди. Вазирликларга муаммоларни тез орада бартараф этиб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.



Чет элда яшаётган ватандошларимизни мамлакатимизга инвестиция киритишга рағбатлантириш ва улар билан доимий ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция дастури доирасида жорий йилда 206 та йирек лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Улардан 39 тасида муддатдан кечикиш хавфи бор.



Бугунги кунгача фақат хорижий инвесторлар учун кўзда тутилган имтиёзлар энди маҳаллий хусусий сармоядорлар учун ҳам жорий қилинади. Мисол учун, хусусий инвестор ўз ҳисобидан 25 миллион доллардан ортик қийматдаги лойиҳа бошласа, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари бюджет ҳисобидан қўриб берилади.



Андижонда мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик йўналишларидаги 7 та кластер билан 9 мингдан зиёд аҳоли ўртасида касаначилик усулида кооперацияни йўлга қўйиш бўйича 40 миллион долларлик лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Саноати ривожланмаган Томди туманида 320 миллиард сўмлик 70 та ҳамда Пахтачи туманида 660 миллиард сўмлик 83 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Уларни амалга ошириш учун Пахтачининг Навоий шаҳри билан, Томдининг Зарафшон шаҳри билан чегарадош ҳудудда саноат зоналари ташкил этилиши мўлжалланган.

Долзарб мавзу

КАМБАҒАЛЛИКНИ ЕНГИШ БЎЙИЧА АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Янги ишланмаларни аҳолига етказиш яшаш шароитини яхшилаш чораларидан бири



Иброҳим АБДУРАҲМОҲОВ,
Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш вазири

Камбағаллик алоҳида шахслар турмуш шароитининг пастлиги ёки уларнинг ҳаёт кечирishi учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлангани билан эмас, балки сифатли таълим олиш, ижтимоий ҳимодаги чекловларнинг мавжудлиги билан ҳам ифодаланади. БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 10 фоизи ўта қашшоқликда, соғлиқни сақлаш, таълим, санитария соҳасидаги хизматлардан мутлақо маҳрум ҳолда ҳаёт кечирмоқда.

Андижон тажриба-кўргазма майдони ҳудудид амавант, стевия, киноа, павловния, жоги, қушқўнмас, чиа, эйхорния, пистия ва азолла каби ўсимликлар таърихисид а экилиб, парвартишланмоқда. Масалан, озуқадорлиги маккажўхорида 5-6 баробар юқори бўлган, ёғи доривор саналадиган амавант ўсимлигининг андижонлик олимлар яратган, ҳудудга мослаштирилган "Мархамат", "Улунор", "Андижон" ва "Ўзбекистон-М" каби юқори ҳосилдор, янги навли кўчатзорлари ташкил қилинди. Қатор ривожланган давлатларда талаб кун сайин ошиб бораётган, Ўзбекистон учун юқори озуқавий қувватга эга янги қишлоқ ҳўжалиги экинi — киноа кўчатзорлари намойиши ташкил қилинмоқда.

Иил охиригача кўргазма майдонида қайта тикланувчи энергия манбаси сифатида биогаз қурилмаси ўрнатилиб, унда эйхорния ва амавант ўсимликларидан биогаз олиш йўлга қўйилади. Бу ҳозир ҳайвон гўнғидан олинган биогазга нисбатан бир неча марта арзон ва самарадор экани амалда кўрсатилади.

Кўргазма майдонида павловния дарахтини кўпайтириш лабораторияси, юқори оксилли ем тайёрлаш цехи, энергетик қурилмалар цехи барпо этилади. Ушбу ҳудудда олиб борилиши кўзда тутилган яна бир йўналиш сўғориш тизимидаги инновацион изланишлардир. Кўргазма майдонида фақат оқим кўчидан фойдаланиб, сувни харажасиз юқориға кўтарувчи гидротаранларнинг турли модификациялари ўрнатилади. Бундан ташқари, шаршарасиз оқим сувининг энергиясидан фойдаланиб, сувни юқориға кўтариш қурилмалари яратилиши ва ишга туширилиши режалаштирилган. Бу унчалик катта бўлмаган ер майдонларини ортқича сарф-харажасиз сўғориш имконини беради.

Андижон тажриба-кўргазма майдони замонавий халқаро технологияларни трансфер ва интеграция қилиш жараёнида уларни таъриба-синовдан ўтказишга ҳизмат қилади. Вилоят ва республика миқёсида фермерлар, томорқа эгалари ушбу таъриба майдонида намойиш этилган янги технологияларни ўз майдонларида жорий этиш кўникмаларини ҳосил қилиш, юртимиз учун янги ҳисобланадиган ўсимлик турлари намуналаридан фойдаланган ҳолда

Шунингдек, Андижон давлат университетида Луғатшунослик ва таржимашунослик инновацион марказини ташкил этиш асосида биология, кимё, математика ва бошқа фанлар бўйича хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш айнан камбағалликни йўқотишга хизмат қиладиган соҳаларнинг тараққий этишига замин яратади. Дунё илмидаги қайноқ маълумотларнинг ўзбек



тилида мунтазам тақдим этилиши ёш авлодни янгиликлардан хабардор этишининг ёнг самарали йўлидир.

Вазирлик университети иқтидорли ёшлар жамоасининг моддий-техника базасини мустақамлаш мақсадида 3D принтер билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Ҳажмили намуналардан нусха олувчи ускуналарнинг пайдо бўлишига 30 йилдан ошди, аммо унга узоқ вақт давомида қимматбаҳо ускуна сифатида қаралар ва шу сабабли қўлланиш доираси чегараланган эди. Аммо кейинги йилларда бу ускунага эътибор тобора ошиб бормоқда. Аксарият ривожланган давлатларда 3D принтер технологияларини ривожлантиришга қаратилган марказлар ташкил этилиб, муржаб технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар қисқаришига эришилмоқда. Яқин келажакда айнан шу соҳадаги етук мутахассисларга талаб ошиши ҳам айни ҳақиқатдир. Демак, биз ҳозирдан 3D моделлаштириш асосларини ўргатишга қаратилган ўқув режаларини тузишимиз даркор.

Қолаверса, олимлар, хусусан, ёш тадқиқотчиларнинг билимини ошириш, уларнинг жаҳон илм-фани билан интеграциясини таъминлашнинг самарали йўлиларидан бири истиқболли мутахассисларнинг хорижда малака оширишини ташкил этишдир. Хорижий илмий марказлар ва тадқиқот институтларида таъриба орттириш таълим ва амалиётнинг бир нуктада кесишишига олиб келади. Илмий гоғлар, тадқиқот ва технологик таъриба алмашинуви илмий-техник тараққийнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Шу муносабат билан бу йил Андижон вилоятида илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи 20 нафар ёш мутахассис биотехнология, чорвачилик, тиббиёт, робототехника, математика каби йўналишларда малака ошириш ва таъриба алмашиш учун хорижга юборилади.

Шу ўринда авваллари вазирликларнинг наинки қишлоқларда, балки туманларда ҳам фаолият юритмаганини тан олишимиз керак. Одатда вазирлик масъуллари лойиҳаларни вилоятлар доирасида, катта шаҳарларда амалга оширган. Инновацияларни туман ва қишлоқларимизга олиб кириш маъсулияти ҳозир биз учун катта синов бўлиши табиий. Бу янгича ёндашув ва қайта тайёргарлик талаб қиладиган жараён. Ахир кундалик таъриба бири жаҳон оддий аҳоли кўнғлига юқори технологик гоғлар қандай сиғади, янгича ишланмаларни қандай қилиб улар ҳаётига олиб кирса бўлади? Бу бизни қийнайдиган ва ўзимизга берадиган асосий савол бўлиши керак. Мазкур масаланинг ечими учун янгича механизмларни йўлаб топшимиз зарур. Андижон таърибаси орқали қўлга киритилган ютуқ ва орттирилган таъриба юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ўзига хослигидан кейин қилиб, бошқичма-бошқич жорий этиш келинги вазиқларимиздан бири бўлади. Зеро, туман ва қишлоқлар аҳолиси учун манфаатли лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши узоқ жойлардаги иқтидор эгаларини аниқлаб, уларнинг салоҳиятини намоеён этишга хизмат қилади. Қишлоқ ва туманларда яшовчи аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқ ёшларининг таълим олиши ва турли замонавий кўникмаларга эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш иқтисодий-иқтисодий малакали кадрларга бўлган эътибонни қановатлантиради, истиқболда камбағалликни қамайтиришга хизмат қилади.

Халқаро таснифларга кўра, кунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромадга эга бўлган инсон камбағал ҳисобланади. Шу ўринда юртимиз аҳолисининг 12-15 фоизи, яъни 4-5 миллион киши шундай шароитда яшаётгани ва уларнинг кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаётгани давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилди. Бу муаммо пандемия даврида янада чуқурлашди, кунлик даромадга эга қатлам ишсиз қолиши оқибатида ноҳорлик даражаси янада ортди.

Жаҳон таърибаси эса камбағалликни бартараф қилиш мумкинлигини ва бу йўлда амалга ошириладиган чора-тадбирлар фойда келтиришини кўрсатмоқда. Масалан, 1981 йилда дунёда камбағаллик даражаси 44 фоизи ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 36 фоизга тушган. Энди эса бир авлод умри давомида ўта қашшоқлик даражасини буткул йўқ қилиб, жаҳон миқёсида камбағалликни 2030 йилгача 3 фоизга тушириш кўзланган. Ушбу мақсадни амалга оширишга Ўзбекистон ҳам ўз улушини қўйиши учун саъй-харажатлар бошланган. Умуман, йиллар давомида катта минбарларда "камбағал" сўзи қўлланагани ва ҳозир амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юртимизда камбағаллик ҳолати мавжудлигининг тан олинishi мазкур муаммонинг ечими йўлидаги туб бурилиш бўлди. Чунки муаммонинг тилга кўчиши, мавжудлигининг тан олинishi унинг ечимини таъминловчи самарали ташаббусларга йўл очади.

Ижтимоий ривожланиш учун уч муҳим йўналиш — камбағалликни бартараф этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда иқтимоий интеграция бўйича кенг миқёсли ишларни амалга ошириш бугуннинг муҳим талабидир.

Президентимиз шу йилнинг 21-22 май кунлари Андижонга ташрифи чоғида камбағалликни қамайтириш масаласига Андижон таъ-



рибаси сифатида мутлақо янгича ёндашуви таъкиф этди. Мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича кўрсатмалар бериб, ҳар бир вазирлик ва идоралар, тармоқ корхоналари ҳамда маҳаллий ҳокимлик вакилларига ҳонадон, маҳалла, қишлоқ ва туман даражасида ишларни ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар топширди. Муҳими, мамлакатимиз ҳудудининг бир фоизинигина ташкил этадиган Андижон вилоятида республика аҳолисининг 10 фоизи яшаши камбағалликни бартараф этиш бўйича бажариладиган ишлар ва янгича ташаббусларнинг асосий нуқтаси бўлиши ҳамда бу борада амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини кўрсатувчи индикатор вазифасини ўташи аниқ ва равшан тушунтириб берилади.

Белгилаб берилган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳам Андижон таърибаси сифатида қатор янгича ёндашуви ишларни амалга оширмоқда.

Авалло, аҳолини сердаромад, янги инновацияларга қизиқтириш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш мақсадида Мархамат туманида 9 гектар ерда Андижон таъриба-кўргазма майдони ташкил этилмоқда. У ўтган йиллар мобайнида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажарилган, Андижон ҳудудига мослаштирилган янги ишланмалар ва технологиялар кўргазмалари майдони бўлиб, туман ва вилоят аҳолисининг кенг қатламига бу технологияларни тарғиб қилиш, ўргатиш ва ўз томорқа ҳўжалиқларида, фермерлик ёки ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этишга амалий кўмаклашиш ҳамда кейинчалик юқори самарадорликка эришиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишга йўналтирилган.

Президент ташрифидан сўнг

Аҳоли арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминланади

Зиёдулла ПИРНАЗАРОВ,
"Ўзбекчорванасл" агентлиги
бош директори ўринбосари



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 21-22 май кунлари Андижон вилоятига сафари чоғида чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам қатор кўрсатмалар берди. Ер танқис, аҳоли зич яшайдиган бу ҳудудда чорва камлиги, гўшт маҳсулотларининг бошқа ҳудудлардан олиб келинаётгани чорвачиликка алоҳида эътибор зарурлигини кўрсатади.

Бу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Андижон вилоятида чорвачилик тармоқларини ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича умумий қиймати 276 миллиард сўмлик 53 та лойиҳани амалга ошириш ва 1200 та янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳалар доирасида 9 минг 145 бош қорамол ва 2 минг бош эчки боқилади.

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узуқсиз таъминлаш мақсадида саноат усулида олти йирек бурдоқчилик ва 13 та йирек сутчилик корхонаси сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узуқсиз таъминлаш мақсадида саноат усулида олти йирек бурдоқчилик ва 13 та йирек сутчилик корхонаси сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узуқсиз таъминлаш мақсадида 8 та кичик корхона ишга туширилади. Фойдаланишдан чиққан 751 гектар ер ўзлаштирилиб, 2 минг 500 бош қорамол боқиб орқали қўшимча 500 тонна гўшт ишлаб чиқаришга эришилади. Бу гўшт нархининг арзонлашишига хизмат қилади.

Шунингдек, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида

320та хонадонга бир бошдан зотдор қорамол ҳамда 150 та хонадонга 2 бошдан насли эчкини кооперация тизимида етказиб бериш режалаштирилган. Бу оилаларни иш билан таъминлаб, уларга даромад келтиради.

Чорвачилик озуқа базасини мустақамлаш — энг асосий вазифа. Озуқа-ем этиштириш учун ер майдонлари камлиги бу йўлда асосий муаммолардан. Айни кунгача қарий 13 минг гектар майдонга беда, маккажўхори ва хашаки лавлаги экилди. Шунингдек, бошоқли дондан бўшаган майдонларга ҳам тақрибий маккажўхори, оралик озуқабоб экинларни экиш зарур. Омихта ем ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 8 та кичик корхона ишга тушириш ҳамда вилоятда жами ишлаб чиқариш қувватини 250 минг тоннага етказишни кўзлаштирилди.

Дастлабки таҳлилларга кўра, йил якунида қорамоллар сони 1 миллион 10 минг қўй ва эчкилар сони 1 миллион 478 минг бошга етказилади ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун 158 минг тонна гўшт

ва 1 миллион тонна сут ишлаб чиқарилади.

Халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобига замонавий ветеринария клиникасини қуриш, уни кўчма лаборатория, ҳайвонлар касалликларига қарши дезинфекцияловчи автотранспорт ҳамда дори воситаларини ташуви авторефрижератор билан таъминлаш ҳам режамизда бор.

Вилоятда ҳайвонлар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2,5 миллион бош чорва ҳайвони 11 турдаги ва 7,2 миллионга парранда 4 турдаги касалликка қарши профилактик эмланиб, диагностика тадбирлар ўтказилади. Натижада вилоят ҳудудларида ҳайвонларнинг юқумли касалликлари бўйича эпизоотик барқарорлик таъминланади.

Бу каби чора-тадбирлар туфайли халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини сифатли ва арзон гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлашга эришилади.

Гўза Соя билан бўлса ёнма-ён, даромадга тўлиб тошади ҳамён

Санобар ЖУМАНОВА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи чоғида гўза қатор оралирига соя экишда Андижон таърибасини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. "Фермер далага режа учун эмас, даромад учун кириши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиш, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинган мой ҳам, омихта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп", деди давлатимиз раҳбари.

Тўйимлилик, фойдалилик жиҳатидан гўшт ва сут маҳсулотларидан қолшимайдиган, бугудой ўрнини босадиган соя ўсимлигини етиштириш иқтисодий фойда келтириш билан бирга, сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўл келади. Бу ўсимликнинг афзалликларидан бири шукки, у тупроқни хаводаги азот билан бойлатади. Соя экилган майдонларда 80-100 килограмм соф азот тўпланishi ва тупроқ унумдорлиги яхшиланади ҳисобига пахта ва гапладан юқори ҳосил олиш мумкин.

Соя тупроқ унумдорлигини янада ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган парҳезоб ёғ олиш, чорвачиликни оқсилга бой озуқа билан таъминлашда муҳим ҳисобланади, — дейди Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали кафедра мудири Икромжон Рўзиев. — Дуккакли ўсимликлар орасида таркибидеги оксил микродорга кўра сояга тенг келадиган йўқ. Ёғ тутишда эса ерғиқоддан кейин туради. Соя донининг таркибидеги 55 фоизгача оксил, 20-27 фоиз ёғ бўлади. Гўшта нисбатан соя донининг таркибидеги фосфор исплотаси икки, минерал моддалар тўрт мартаба кўнғли аниқ-қўлиш. Шу боис, у гўштининг муқобили сифатида кўрилади. Унинг озуқавий қуввати ҳам юқори.

Солиштириш учун: 100 грамм нўхатдан 336, ловия 335, ясимк 334, бугудой 347 ккалга эга бўлса, сояда бу кўрсаткич 411 ккалга тенг.

Соянинг таркибидеги оксил тез ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Соя ёғи тўйимлилик жиҳатидан мол ёғидан устун туради. Унинг таркибидеги оксил, ёғдан ташқари А, В1, В, Д, Е, С, К витаминлари мавжуд. Бир килограмм бугудой унда 2,5 грамм, шунча микродордаги сояда эса 27 грамм лизин — иммуниететни оширувчи аминокислота бор. Соядан олинган сут маҳсулоти сигирникдан қолшимайди.

Бир гектар ерда етиштирилган соядан 506 килограмм оксил олиш мумкин. Унинг донидан уч юз хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулоти тайёрланади. Бу каби таҳлилларимизнинг барчаси соя етиштириш, уни пахта даласида гўза билан ёнма-ён парвартириш низохтада оқилона ёндашув эканини кўрсатмоқда. Бу ўсимликни мамлакатимизда етиштириш, айникса, гўза билан бирга ўстириш муҳим.

— Дунё деҳқончилигида гўза-ноя бошқа экинлар билан ёнма-ён экиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб бориладиган, — дейди Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири, доцент Хайрулло Турсунов. — Экинларни биргаликда экиш қатор афзалликларга эга. Бу жараёнда



бир йилнинг ўзида бир неча экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкин. Ёнма-ён экилганда экинлар тупроқдаги озуқа моддалар, берилаётган минерал ўғитлар, сув ва бошқа табиий ресурслардан тўлиқроқ фойдаланиб, ноқулай шароитлар таъсири камаяди. Натижада иқтисодий самарадорлик кескин ортади. Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларда бир неча экинларни биргаликда экиш бўйича бой таъриба тўпланган. Шунга ўхшаш таърибалар Ўзбекистон шароитида профессор Қ.Мирзаёнов ва унинг шогирдлари томонидан олиб бориладиган.

Бу таъриба аҳоли зич яшайдиган ва ер кам бўлган Андижон учун икки қарра аҳамиятли. Вилоятнинг ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, сугориладиган бўз тупроқлар шароитида гўза ва ҳамкор экинларнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида қатор таърибалар ўтказилган.

Таърибаларда Андижон вилоятининг қадимдан сугориладиган оч тусли бўз ва ўтлоқ бўз тупроқларида гўзанинг С-6524 нави билан соянинг "Ўзбек-2" нави билан бирга экиб ўрганилган. Жараёнда гўза фермер ҳўжалиги шароитида одатдаги тартибда экилиб, қатор оралирига соя уруғи сепилган. Гўза ва соя экин қаторлари ораси 60 сантиметрни ташкил этган.

Экинлар ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда, гўза соя билан бирга экилганда яқна экилганга нисбатан юқори даромад олинди ва рентабеллик 141,6 фоизни ташкил этди.

Шаҳрихон туманидаги "Муҳаммадjon юксак орузси" фермер ҳўжалиги раҳбари Муроджон Мирзаев 12 гектар майдонга соя эка бошлади.

— Бир гектар ердан ўртача 40 центнер пахта ҳосили олиш билан бирга, 600-700 кг. қўшимча ҳосил — соя олув бўлади, — дейди у. — Қўшимча экин сифатида соя етиштириш учун яна ишчи кучи талаб этилади, иш ўринлари яратилади. Биз ҳам ҳар тўрт гектар пахта майдонига бир нафардан ишчи оляимиз. Соянинг бир килограмми 10 минг сўмдан баҳоланади, ҳар гектардан 5-6 миллион сўм даромад олишни кўзлаб туришимиз.

Қишлоқ ҳўжалиги ва унинг тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 2020-2021 ўқув йилидан "Соя етиштириш технологияси" таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Дилдаги гап

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ ХИЁБОНИ



Ҳасан ИҶРОШЕВ олган суратлар

Гайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

Адиблар хиёбони. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган сўлим маскан. Ҳазрат Алишер Навоий ва ўзбек адабиётининг унга қараб турган улкан намоёндалари сиймоси. Айниқса, сўз мулкининг султони сиймосига назар ташлар экансиз, кўнглингиздан беихтиёр шундай кечинмалар ўтади.

эса Навоий бобога қаратиб барпо этилган. Худдики, устоз дарс бермоқдалар-у, қолганлар сомеъ бўлиб ўтирибди. Еки буюклар бир-бирларига ғазалу шеърлар айтаётгандек.

Халқимиз ҳаёт сўқмоқларида йўл-йўриқ кўрсатадиган, муаллим ва эъзозу эътиборга сазовор, тажрибали кишиларни устоз дея қадрлайди. Навоий ҳазратнинг қиблага юзланган сиймосига қараб, туркий адабиёт, хусусан, ўзбек адабиётининг пешвори, устози шу муҳтарам зот, деган ўйга келасиз. Бу муллақо табиийдир. Бошқа адибу шоирларимизнинг сиймолари

ҳайкаллари ўрнатилган бўлса, эндиликда мумтоз, жадид, замонавий адабиётимизнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ, Муҳаммад Аминхўжа ўғли Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Тўлепберген Қайипбергенов, Иброҳим Юсупов, Александр Файнберг каби энг ёрқин намоёндалари ёдгорликлари ҳам қад ростлади. Буларнинг барчасини яхлит бир меъморий мажмуа деб айта оламиз. Ҳайкаллар атрофидаги чаманзор, гуллар, дарактлар бу адибу шоирларнинг кутлуг анжумани жуда-жуда ярашиб турибди. Таърифи тавсифига муносиб бир сўз тополмай турган бир пайтингда

Навоий ҳазратнинг мана бу ўғти ёдга тушади:

Агар тузлук ўлса кишининг иши, Не васф айлай олғай ишини киши.

Хиёбоннинг шундоқина бағрида жойлашган оппоқ марвариддек иншоот – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси ҳамда Тошкент музейи ҳам келгучиларнинг маънавий дунёсига бир олам хазиналар тортиқ қилишига асло шубҳа йўқ. Мана, кўриб турганингиздек, Адиблар хиёбонини барпо этишдан кўзланган мақсад қанчалар эзгу. Ўйламанки, қайси қалбда шу манзилдаги эзгулик уруғлари сочилса, унинг уриб турган юрагида Ватанга, миллатга, она тилимизга бўлган меҳру муҳаббат чечаклари униб чиқади. Унинг муаттар ифори эса яна қанча-қанча дилларга хуш кайфият бағишлайди.

Адабиёт – кўнгилларга нур

Одамзоднинг энг улғу кашфиёти — китоб, адабиёт эса бу китобнинг гавҳаридир. Агар инсоннинг ақлу тафаккури сўз санъати дурдоналарини яратмаганида эди, оламни бундай тарзда кўриш мумкин бўлмас эди. Ҳар қандай тараққиётнинг туб ўзаги, пойдевори адабиёт десак, хато қилмаган бўламиз. Беҳиз устозлар тақдирини боғланган муаззам ҳаётни онажон деб эъзозлашмаган. Бугун адабиётга ва адабиёт аҳлига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қилинаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Мана шундай азим боғ, боғ оғушида Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси барпо этилиши, атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилиши, китоб ва китобхонликка оид кўплаб тарихий ҳужжатлар қабул қилиниши адабиётга ва ижодкорларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Халқимиз ўз адибларидан ҳар доим сара-сара адабий асарлар кутади. Биз, ижодкорлар эса уларнинг бу ҳақли талаб ва эҳтиёжларини покиза виждон билан адо этишимиз лозим. Адиблар хиёбонида, ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашув чоғида миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳамда галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўзлаш асосида мамлакатимиз раҳбари:

“Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, деди.

Ушбу сўзлардан ҳам англашиладики, адибларимиз олдида катта вазифалар турибди.

Бугун замоннинг шиддати юқори. Янгиланиш, ўзгаришлар суръати ҳар қачонгидан тез. Шундай экан, ижодкор қадамини давр одимига мослаши, ижод камарини янада қаттиқ боғлаб, янгидан-янги етуқ асарлар яратиши, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга арзирли ҳисса қўлиши лозим. Замон мураккаб. Ахборотлар хуружи авж олган. Бутун бошли мамлакатлар кишиларнинг қалбини эгаллаш, онг-шурига ўз қарашларини синдириш, ўз таъсирига олиш учун омонсиз кураш кетаётган бир даврда сустлашқил кеңирилмас ҳолдир. Миллий адабиёт ривожини миллий ўзлигини сақлаб қолиш демакдир.

Шубҳасиз, бизнинг улғу адабиётимиз бор. Бироқ уни бутун дунёга танитиш, шу йўл билан миллатимизни ўзлигини, буй-бастини бани башар олдида намоён қила олишимиз керак. Мамлакатимиз раҳбари ижодкорлар билан учрашув асосида Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ижодкорларнинг асарларини хорижий тилларда нашр этиш ишлари айрим таржимонларимизнинг шахсий ташаббуси билангина амалга ошаётганини, бу борада Ёзувчилар уюшмаси ташаббускор бўлиши, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини дунё тилларига таржима қилиб, нашр этиши зарурлигини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёш таржимонлар Ғафур Ғулум, Озод Шарафиддинов, Асил Рашидов, Низом Комил, Иброҳим Ғафуров каби устоз таржимонлар мактабига сабоқ олиб, уларнинг ишларини муносиб равишда давом эттиришлари зарур.

Давлатимиз раҳбари “Туркий адабиёт хазинасидан” ва “Рус адабиёти дурдоналари”ни нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу йўналишдаги ишлар аллақачон бошланган. Демак, китобхонларимизга у қадар таниш бўлмаган асарларни она тилимизга ўтириш учун ҳам таржимонларнинг янги авлодига эҳтиёт сезилади. Умид қиламизки, мутаржимларимиз, ўз навбатида, бизнинг мумтоз ва замонавий адабиёт дурдоналарини ҳам энг юксак савияда хорижий тилларга таржима қиладилар.




Оламнинг ҳаётбахш ҳикмати – илм

Замонлар ўзгарди. Инсонларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, турмуш тарзларига ўзгача мазмун кирган. Киши бир паҳза бўлсин, ўйишдан, ўрганишдан ортда қолмаслиги керак. Агар у замон янгиликларини ўз вақтида ўзлаштириб бормаса, орқада қолиб кетади. Бугун дунёнинг бир чеккасида бирор воқеа содир бўлса, ўша вақтнинг ўзида бошқа бир чеккасидаги одам хабар топади. Интернет ўз номига кўра, ўрғин-чак түри сингари бутун оламни қамраб олади. Турги хабар ҳам, нотўғри хабар ҳам яшин тезлигида оламга ёйилади. Ҳақни ноҳақдан, ростни хатодан ажратиб олиш учун эса бугун илм ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур. Ҳозир илм олиш, китоб ўқишни кенг тарғиб қилинаётгани беҳиз эмас. Албатта, интернетдан ҳам фойдаланишнинг ўзига хос одоби бўлади. Демак, ёшларимиз замон билан ҳамнафас яшаш баробарида чуқур билим ва катта салоҳият соҳиби ҳам бўлиши зарур. Ана шундагина улар бу имкониятлардан самарали фойдалана оладилар.

Бутун дунё оғир, таҳликали даврни бошидан кечираётган бир паллада юртимизда бунёдкорлик ишларининг жадал суръатларида бориши дилларга нур бағишлайди. Бу кунларни асарларимизга кўчириш виждонимиз олдидаги бурчимиздир. Ўзбекистон халқ шоири устоз Ғафур Ғулум мисралари тимсолида айтадиган бўлсак:

Ўсар сеvimли ва бахтли бизнинг шонли ватан, Ҳаётимиз ҳали минг “Шоҳнома”лар бўлади.

Моддий мерос



Мингтепа — қадим тарих дурдонаси

бой ўтмишимиздан юксак намуна

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўрин тутган Мингтепа археология ёдгорлиги Андижон вилоятининг Мархамат туманида жойлашган. Туманда 70 га яқин зиёратгоҳ, қадамжолар, тарихий ва маданий масканлар мавжуд. Улар сирасига 40 дан ортиқ археология, 2 та архитектура ёдгорлиги, 20 га яқин зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жой, 30 дан ортиқ булоқ қиради. Аммо Мингтепа археология ёдгорлиги энг маҳаббатлиги ва улғуворлиги билан ажралаб туради.

Буюк аждодларимиз хоки сақланаётган зиёратгоҳлар ва қадамжоларда халқимизнинг ҳаёт тарзида мавжуд бўлган урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз ўз аксини топади. Зиёрат қилиш азал-азалдан миллий урф-одатларимиздан ҳисобланиб, бунинг замирида меҳр-оқибат, одоб, аждодлар руҳига ҳурмат, ёмонликдан йироқлашиш, савоё иш қилиш каби эзгу фазилатлар ётади.

Зиёратгоҳларни ўрганиш ва тарғиб этиш баробарида келажагимиз эгалари бўлиши ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қадим ўтмишимиздан қолган бой тарихий меросларимизни ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга. Миллий ўзлигимизни англашда, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳини синдиришда, ўзи улғайиб воёга етган заманининг тарихини, маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш зарурати туғилмоқда.

Миллий давлатчилигимиз тарихидан сўзловчи ушбу ёдгорликларни муҳофаза қилиш, тадиққ этиш ва улардан оқилна фойдаланиш мақсадида уларнинг кўпчилигида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, аксарият зиёратгоҳларда халқимиз бундай ишларни ҳашар йўли билан бажармоқда. Албатта, бу қувонарли ҳол.

— 2019 йил 16-17 май кунлари Президентимизнинг Андижонга ташрифи чоғида “Мингтепа археология мероси объектида (мил. ав. IV-III-мил.В асрлар) туризмни ривожлантириш” мавзусидаги лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Андижон давлат университети таянч докторанти Шахло Хусанова. — 55 миллиард сўмлик бу лойиҳамнинг давлатимиз раҳбари томонидан кўплаб-қувватланганини меҳнатларимизга берилган энг юксак баҳо, деб биламан. Бу эса менга янги куч бағишлади. Мингтепа буйича илмий изланишларим самараси тобора ортмоқда.

Дарҳақиқат, бу каби эътибор ҳар қандай тадиққотчига куч бериб, янгидан-янги кашфиётлар устида изланишига туртки бўлади.

Хусусан, Мингтепа тарихий ёдгорлиги борасида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Айни пайтда бу жойда Маънавият боғи, Хотира мажмуаси, Мингтепа очик ва ёпиқ музейлари, тарихий тематик парк, 2 та кутубхона барпо этилган.

Мингтепа кўп йиллар давомида ўрганилган бўлишига қарамай, бу ерда ҳали ўз ечимини қутиб турган жумбоқлар бисёр. Мингтепада ҳаёт тахминан милoddан аввалги V асрдан милoddий V асрга қадар гуллаб-яшнаган. Яъни бу жойда тахминан минг йил давомида қудратли шахар барпо этилган. Шаҳарда сунъий суғориш иншоотлари, баланд ва қалин деворлар, тош йўллари, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик ривож топган. Бироқ V асрга келиб, ҳаёт излари буткул йўқ бўлиб кетган. Қазилма ишлари давомида топилаётган хумлар, қўзалар ва бошқа уй-рўзгор буюмлари бутун ҳолда, баъзиларида эса озик-овқат маҳсулотлари ҳам сақланиб қолган.

Баъзи қадимшунслар фикрича, ер эрозияга учрагач, асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик бўлган аҳоли бу ердан шунчаки кўчиб кетган. Бошқа мутахассислар эса эпидемия тарқалиши оқибатида шахар аҳолиси буткул қирилиб кетганини тахмин қилади. Нима бўлганда ҳам, Мингтепа ҳали кўплаб кашфиётлар билан ҳайратга солишига шубҳа йўқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун маъсул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ маъсул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Бюрогма** — 1360.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонаси. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎЗА яқуни — 01:15 Тошпирилди — 04:10 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Лутфулла Сувонов**
Муасҳиҳ: **Насиба Абдуллаева**
Дизайнер: **Хуришд Абдуллаев**

Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуччилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибиёт: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru